

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 347.77(043.5)(575.1)

РУСТАМБЕКОВ ИСЛОМБЕК РУСТАМБЕКОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДОМЕН НОМЛАРИГА ОИД
МУНОСАБАТЛАРНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ
ТАРТИБГА СОЛИНИШИ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи; тадбиркорлик ҳуқуқи;
оила ҳуқуқи; халқаро хусусий ҳуқуқ

юридик фанлар номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2011

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик институти «Халқаро хусусий ҳуқуқ» кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар: юридик фанлар доктори, профессор
Гулямов Сайдилла Саидахбарович

Расмий оппонентлар: юридик фанлар доктори, профессор
Оқюлов Омонбой

юридик фанлар номзоди
Бобоев Жаҳонгир Исмаилбекович

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш
маркази

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик институти ҳузуридаги юридик фанлар доктори (номзоди) илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.016.15.02 рақамли ихтисослашган кенгашнинг 2011 йил 16 ноябрь куни соат 10⁰⁰ даги йиғилишида бўлиб ўтади (100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик институтининг кутубхонасида танишиш мумкин (100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35).

Автореферат 2011 йил 5 октябрда тарқатилди.

**Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби,
юридик фанлар номзоди**



**Туребеков Тимур
Мырзалиевич**

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирда дунёда жисмоний ва юридик шахсларнинг ахборотни йиғиш, тарқатиш, олиш, жамғариш ва айирбошлаш борасидаги фаолиятининг асосий қисми Интернет глобал тармоғидан фойдаланиш орқали амалга оширилмоқда.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг қуйидаги сўзларини кўрсатиб ўтамыз: «Юртимизда Интернет тизимидан фойдаланувчилар сафи жадал суръатлар билан кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда уларнинг сони 6 миллиондан ортиб кетгани ҳам буни тасдиқлаб турибди»¹. Бу кўрсатилган ҳолат мамлакатимизда Интернет муносабатларига киришувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун йўли билан белгиланиши ва таъминланиши кераклигидан далолат беради.

Интернет тармоғи унинг фойдаланувчиларига ахборотни тарқатиш борасида деярли чексиз имкониятлар яратади. Интернет тармоғида ахборот ресурсларини яратиш ўзининг соддалиги ва серчиқим эмаслиги туфайли тез орада бутун дунё миқёсида кенг тарқалди. Интернет тармоғида ахборот ресурсини яратиш учун домен номини рўйхатдан ўтказиш, ахборотни компьютер тушунадиган кўринишга келтириш ва хостинг учун ҳақ тўлашнинг ўзи кифоядир².

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олмоқда. Мазкур жараён мамлакатимизнинг жаҳон бозорига ҳам, ахборот ҳамжамиятига ҳам қўшилишига кенг йўл очмоқда.

Интернет тармоғи мамлакатимизда ҳам, чет элда ҳам жадал суръатларда ривожланиши узоқ вақт мобайнида қонунчилик билан тартибга солинмаган шароитда кечди, чунки Интернет тармоғи фақат нотижорат хусусиятига эга бўлган илмий ахборотни айирбошлаш учун мўлжалланган алоқа канали хусусиятига эга эди. Кейинчалик, тармоқ сезиларли даражада ўсгач, унда тижорат тузилмалари ҳам ўз фаолиятини бошлади. Аммо уларнинг бир қисми фирма номи ёки товар белгисига ўхшаш Интернет-адрес (домен) ким томонидандир банд этилганига ва фирма номи ёки товар белгисига бўлган ҳуқуқлар унинг эгаси ёки рақибига сотиб олиш учун таклиф қилиниши билан боғлиқ вазиятга дуч келди.

Илмий-техник тараққиёт бир жойда тургани йўқ, ҳар куни интеллектуал мулк объектларининг янги кўринишлари вужудга келиши табиий³. Бугунги кунда домен номлари шундай янги интеллектуал мулк объекти сифатида намоён бўлмоқда.

Домен номига бўлган ҳуқуқлар тижорат қийматини касб этиши билан фуқаролик ҳуқуқи мутахассисларининг тадқиқот объектига айлана бошлади.

¹ Каримов И.А. «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси». Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза // Халқ сўзи. 2010 йил 13 ноябрь, №220 (5135).

² Андронов А.С. Доменное имя как часть информационного ресурса // Интеллект и право. – М., 2005.

³ Знаменская О.В. Проблемы регулирования института интеллектуальной собственности в условиях трансформируемой экономики // Вестник Челябинского государственного университета. 2006. – №1.

Ҳозирги кунда домен Интернет компьютер тармоғи фойдаланувчиси доимий фаолиятининг ажралмас таркибий қисми бўлиб ҳисобланади.

Интернет тармоғининг тижорат билан уйғунлашуви шунга олиб келдики, бугунги кунда муайян товарлар ва хизматларни реклама қилувчи сайт учун жалб қилувчан домен номини танлаш бўйича рақобат масаласи айниқса долзарб аҳамият касб этмоқда. Домен номи рақамли манзил ўрнига қўлланиладиган қулай белги бўлибгина қолмасдан, товарлар ва хизматларни ҳамда уни истеъмолчиларга таклиф қилаётган шахсни индивидуаллаштириш воситасига ҳам айланди⁴.

Мамлакатимиз ва кўплаб бошқа мамлакатлар қонунчилигида домен номи тушунчаси акс этмаган, унинг ҳуқуқий табиати кўрсатиб берилмаган ҳамда домен номига оид муносабатларга киришувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланмаган. Бу ҳолат миллий қонунчиликда тўлдирилиши лозим бўлган бўшлиқ мавжудлигини намоён қилади.

Демак, домен номлари фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар объектига айланган, лекин бу объект ҳали тўлалигича фуқаролик ҳуқуқи, шу жумладан интеллектуал мулк объекти сифатида тан олинмаган. Бу домен номининг аниқ ҳуқуқий мақоми йўқлиги ва унинг ҳуқуқий табиати ёритилмаганлигидан далолат беради.

Буларнинг барчаси домен номларининг ҳозирги ҳолати масалалари бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва шу асосда халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилишнинг энг мақбул йўллари топиш зарурияти мавжудлигидан далолат беради.

Домен номининг тушунчаси ва ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикасининг қонунларида ҳозирги кунга қадар ўз ўрнини топмаганлиги, улар билан боғлиқ муносабатларнинг тўлиқ ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги ва вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни ва низоларни ҳал қилиш йўллари ишлаб чиқилмаганлиги бу муаммонинг ўрганилиши ва таҳлил қилиниши лозимлигини изохлайди.

Домен номидан фойдаланиш ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги туфайли ҳуқуқ эгаси ва одил судлов органлари юз бераётган низоларнинг техник ва юридик жиҳатларини англаб етишга уриниш жараёнида жиддий қийинчиликларга дуч келмоқдалар.

Ўз-ўзидан равшанки, миллий ҳуқуқ тизимимиз учун янги бўлган бундай жараёнлар қонун йўли билан лозим даражада таъминлашни талаб этади. Бу соҳада асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орасида фуқаролик-ҳуқуқий нормалар айниқса муҳим ўрин тутати. Яна шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, мазкур соҳадаги ҳуқуқий муносабатларнинг бир қатор ўзига хос хусусиятлари мавжудлиги уларни халқаро ҳуқуқ, халқаро хусусий ҳуқуқ ҳамда ахборот эркинлиги воситалари ривожланишининг ҳозирги тенденциялари нуқтаи назаридан синчковлик билан назарий жиҳатдан ўрганишни талаб этади.

⁴ Evenson Robert, Kanwar Sunil. Does intellectual property spur technological change? / Working paper. – Yale University, 2003.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Янги аср – ахборот, юксак технологиялар ва замонавий билимлар, олдимизда очилаётган янги истикболлар асридир»⁵.

Айнан Интернет ва ундаги домен номларига оид муносабатлар нисбатан янги ижтимоий муносабат бўлиб ҳисобланиши ва самарали ҳукуқий тартибга солиниши йўналишларини излаш юридик фаннинг муҳим вазифаларидан ҳисобланиши мазкур тадқиқот мавзусининг танланишини белгилаб берди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Домен номларига оид муносабатларнинг ҳукуқий табиати ва уларни лозим даражада ҳукуқий тартибга солиш масалалари ҳозирда кўп сонли муаллифларнинг диққат-эътиборини банд этиб келмоқда.

Ҳозирги вақтда бизда чет эл муаллифларининг асарлари алоҳида илмий диққатга сазовордир, зеро домен номлари иқтисодий жихатдан тараққий этган мамлакатларда айниқса кенг ва фаол ривожланган. Шу сабабли чет эл фанида домен номларига боғлиқ бўлган муаммоларни ечишга нисбатан кўп сонли усуллар ва ёндашувлар ишлаб чиқилган. Улардан мустақил Ўзбекистоннинг ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олиб ижодий фойдаланиш, шубҳасиз, тадқиқотда қўйилган вазифаларни ечишга мумкин қадар ҳолисона ва изчил ёндашиш имконини беради.

Домен номларини ҳукуқий тартибга солиш муаммолари Bettinger T., Berger K., Curley D., Christie A., Gare S., Geller P., Cabell D., Osborne D., Wood N., Stewart T., Hornic J.F., Gelachins Y.J. каби чет эл олимлари томонидан анча муфассал тадқиқ этилган⁶.

Домен номлари, шунингдек, уларнинг индивидуаллаштириш воситалари билан ўзаро нисбати муаммолари мажмуи сўнгги йилларда МДҲ мамлакатлари олимларининг ҳам диққат марказидан ўрин олган. Бу ерда Азаров М.С., Бачило И.Л., Калятин Л.Л., Копылов В.А., Лопатин В.Н., Наумов В.Б., Петровский С.В., Серго А.Г., Сокерин К.В., Федотов М.А. каби муаллифларнинг асарларини қайд этиш мумкин⁷.

⁵ Каримов И.А. «Ўзбекистон мустақиллигининг 11 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи», 2002 йил 31-август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов асарлари тўплами 11 – жилд. «Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли». – Т.: Ўзбекистон, 2003. – Б. 54.

⁶ Domain name law and practice: An International handbook / Edit. by T. Bettinger (gen. edit.). -Oxford: Oxford University Press, 2005; Berger K.P. Transnational commercial law in the age of globalization // Saggi, conferenze e seminari 42. – Roma, 2001; Duncan Curley. Reverse Domain Name Hijacking // Trademark World, April 2001; Blackstone's statute intellectual property // Edited by Andrew Christie, Stephen Gare. – 6th edition. – Oxford: Oxford University Press, 2000; Geller Paul Edward. International intellectual property, conflicts of laws, and internet remedies / European Intellectual Property Review. – 2000. – №1; Diane Cabell. Using ICANN's Uniform Domain-Name-Dispute Resolution Policy (UDRP). The Berkman Center for Internet & Society, April 2000; Dawn Osborne. ICANN Dispute Resolution – A Resounding Success! Domain Notes, October 19, 2000; Wood N. Domain names around the world. Strategies for Internet protection and peace in mind // TW. – 1998. – № 103. – P. 35–38; Stewart T.A. Intellectual capital: The new wealth of organizations – NY.: Doubleday, 1997; Hornic J.F., Gelachins Y.J. Evolving Internet intellectual property issues // TW. – 1998/99. – №113. – P. 26–33.

⁷ Азаров М.С. Формирование правового института доменных имен как один из аспектов совершенствования правовой основы информационного пространства Российской Федерации: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2010; Бачило И.Л. «Информационное право: основы практической информатики». Учебное пособие. – М., –2001; Бачило И.Л., Лопатин В.Н., Федотов М.А. Информационное право Учебник. – М., 2005; Калятин В.О. Доменные имена. –М., 2002; Копылов В.А. Информационное право: Учебник. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Юрист, 2005; Наумов В.Б. Право и Интернет: Очерки теории и практики – М.: Книжный дом

Мустақил Ўзбекистон ахборотлаштирилган жамиятни барпо этиш йўлига яқиндагина киргани боис бизда мазкур муаммоларнинг турли жиҳатларини ўрганиш йўлида илк қадамлар ташланмоқда. Бунда вужудга келаётган муаммоларнинг фуқаролик-ҳуқуқий йўналиши бўйича умумназарий масалаларни ёритган муаллифлардан Ҳ.Р.Раҳмонкулов, И.Б.Зокиров, Ш.Ш.Шораҳметов, О.Оқюлов, С.Гулямов, Д.Қараходжаева, И.И.Насриев, Б.Тошев, А.Исманжанов, И.Бирюкова, А.Муҳаммадиев, Ш.Масадиқов, С.Сафоева, Д.Огай каби ҳуқуқшунос олимларимизнинг асарлари мисол бўлиши мумкин⁸.

Домен номлари бевосита индивидуаллаштириш воситаси сифатида намоён бўлиши уларнинг ўз навбатида интеллектуал мулк объектлари қаторига киритилишига сабаб бўлади. Бунда миллий ҳуқуқшунослигимизда Ҳ.Р.Раҳмонкулов, И.Б.Зокиров, Ш.Ш.Шораҳметов, О.Оқюлов, И.Насриев, Б.Н.Тошев, Н.Имомов ва бошқа олимлар томонидан фуқаролик ҳуқуқи объекти сифатида интеллектуал мулк объектлари, уларнинг назарий асослари, уларга нисбатан ҳуқуқлар муҳофазаси, интеллектуал мулк объектларининг айрим объектлари ҳимояси юзасидан амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари диққатга сазовордир.

Республикаимизнинг бир қанча олимлари томонидан ёқланган диссертацияларда домен номларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Мас., Д.М.Қараходжаева⁹ ўзининг диссертацион ишида домен номларига қисман тўхталиб, уларнинг юридик шахслар томонидан индивидуаллаштириш воситасининг алоҳида тури сифатида намоён бўлишини талқин этиб, товар белгиси ва домен номи ўртасидаги низоли ҳолатларни келтирган; Д.А.Огай¹⁰ ўз тадқиқотида юридик шахсни индивидуаллаштириш воситалари тизимида домен номларининг ҳуқуқий муаммоларини қисман ўрганган; А.Исманжанов¹¹ ўз диссертация ишида домен номлари билан боғлиқ бўлган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг баъзи бир масалаларини кўриб чиққан;

«Университет», 2002; Мозгов М., Серго А. Пути урегулирования споров между владельцами средств индивидуализации юридических лиц и администраторами доменов // Ж. Интеллектуальная собственность. Авторское право и смежные права. – М., 2003. – №3; Серго А. Доменные имена. – М.: Бестселлер, 2006; Сокерин К.В. Охрана права на доменное имя в Российской Федерации: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2007.

⁸ Раҳмонкулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқи муаммолари: Дарслик. – Т.: ТДЮИ, 2010; Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. – Т., 2006; Шораҳмедов Ш. Возникновение и развитие правового регулирования рационализаторских предложений: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 1965; Насриев И.И. Личные права автора произведения и гарантии их защиты: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 1995; Насриев И. Шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишнинг фуқаролик ҳуқуқий муаммолари: юрид. фан. докт. дис. ... Автореф. – Т., 2006; Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқи. – Т., 2005; Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. – Т., 2004; Гулямов С.С. Халқаро савдо ҳуқуқи. – Т., 2002; Тошев Б. Муаллифлик ҳуқуқи. – Т., 2002; Тошев Б. Ахборот технологиялари ва муаллифлик ҳуқуқи. – Т., 2004; Сафоева С.М. Интеллектуал мулк объектларидан тижорат муомаласида фойдаланишнинг ҳуқуқий шакллари. Ўқув қўлланма. – Т., 2009 ва б.

⁹ Қараходжаева Д.М. Проблемы развития и совершенствования законодательства о праве собственности юридических лиц в Республике Узбекистан: дис. ... докт. юрид. наук. – Т., 2008.

¹⁰ Огай Д.А. Проблемы совершенствования международно-правового регулирования средств индивидуализации: дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 2009.

¹¹ Исманжанов А. Правовые основы коммерческого обращения информационных продуктов в сети Интернет: дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 2006.

Ш.Масадилов¹² ўз илмий тадқиқотида домен номларига доир низоларда ишни судга қадар кўришнинг баъзи бир масалаларини тадқиқ этган.

Юқорида қайд этилган олимларнинг илмий ишларида домен номларига оид муносабатлар, уларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши қисман ўрганилиб ўтилган бўлса-да, лекин айти мазкур муаммо алоҳида тадқиқот объекти сифатида, монографик тарзда чуқур ўрганилмаган.

Умуман олганда, ўрганилаётган соҳада лозим даражадаги илмий массив Ўзбекистонда ҳали вужудга келганича йўқ. Ҳолбуки, Интернет тармоғининг шитоб билан ривожланиши ва мамлакатимизда рўйхатга олинаётган домен номлари кундан-кунга кўпайиб бораётгани, домен номларини ҳуқуқий тартибга солиш муаммоларини атрофлича ўрганиш ва уларни ахборот жамиятининг ҳозирги талаблари нуқтаи назаридан ҳал қилишни тақозо этади. Тадқиқотимизнинг назарий ва амалий аҳамияти айти шу омиллар билан белгиланади.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик институти илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган ва институт илмий кенгашининг 2009 йил 30 ноябрдаги 4-сонли мажлисида тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Бюллетенининг 2010 йил 1 - сонидан эълон қилинган.

Тадқиқот мақсади домен номининг фуқаролик ҳамда ахборот-ҳуқуқий табиатини ўрганиш ва асослаш, тадқиқ этилаётган соҳада тушунчалар аппаратини тартибга келтириш, ахборот-коммуникация тармоқлари, шу жумладан, Интернет тармоғидан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш жараёнида юзага келувчи ахборотга доир муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, фуқаролик, тадбиркорлик, фуқаролик-процессуал қонун ҳужжатларининг муҳим қоидалари, суд ва арбитраж амалиётини комплекс қиёсий таҳлил қилиш, домен номини индивидуаллаштиришнинг мустақил воситаси сифатида ҳуқуқий тартибга солишни тадқиқ этиш, шунингдек, интеллектуал мулк соҳасидаги қонун ҳужжатларини ва уларнинг қўлланиш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- домен номи тушунчасини таҳлил қилиш, унга ҳуқуқий таъриф бериш ва унинг Интернет тармоғидаги ўрнини аниқлаш;
- домен номининг ўзига хос хусусиятларини белгилаш ва Интернет адресациянинг бошқа турларидан фарқини кўрсатиб бериш;
- домен номлари эгаларининг домен номига бўлган мутлақ ҳуқуқларини тавсифлаш;

¹² Масадилов Ш. Сущность медиации и проблемы ее правового регулирования в Республике Узбекистан: дис. ...канд. юрид. наук. – Т., 2008.

– домен номларига даъвогарларни ва уларнинг ҳуқуқларини тадқиқ қилиш, домен номларининг эгалари ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилиш;

– домен номларини миллий рўйхатдан ўтказувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаш ва уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

– домен номларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш усулларини ўрганиш, шунингдек, домен номларини муҳофаза қилишнинг халқаро-ҳуқуқий тажрибасини таҳлил қилиш;

– Ўзбекистон Республикасида домен номларига бўлган ҳуқуқларни муҳофаза қилиш бўйича қонунчиликнинг келажақда ривожланиш истиқболларини белгилаш ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объектини домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш муносабати билан юзага келувчи фуқаролик ҳамда ахборот соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот предметини домен номининг ҳуқуқий режими, домен номини шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари, домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш муносабати билан юзага келувчи назарий ва амалий муаммолар ташкил этади.

Тадқиқотнинг методлари илмий билишнинг концептуал, қиёсий-ҳуқуқий, муаммоли-мақсадли, таркибий-тизимли ва тарихий-ҳуқуқий методларини комплекс ва мантикий тарзда ўз ичига олади.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

1. Диссертацияда амалдаги қонун ҳужжатларини таҳлил этиш ва олимларнинг фикр-мулоҳазаларини эътиборга олиш натижасида домен номининг қуйидаги илмий таърифи ишлаб чиқилди:

Домен номи (домен) – Интернет халқаро компьютер тармоғидаги ахборот ресурсларини индивидуаллаштиришга хизмат қилувчи, мазкур тармоққа кирадиган электрон-ҳисоблаш машиналарининг техник адресацияси ўрнини босувчи ноёб шартли белги (белгили ном)».

2. Домен номи кўплаб ҳолатларда товар белгисига тенглаштирилади, бу ҳол норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда акс этмаган, хорижий тажриба эса буни тўлиқ тасдиқламайди, олиб борилган изланиш натижасида домен номи товар белгиси билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган ҳуқуқнинг мустақил объекти, индивидуаллаштириш воситасининг алоҳида тури ҳисобланиши исботлаб берилди.

Миллий ва хорижий қонунчилик, суд амалиёти таҳлили натижалари шуни кўрсатдики, Республикамиз қонунчилигида домен номи индивидуаллаштириш воситасининг алоҳида тури сифатида мустақил тартибга солиниши мақсадга мувофиқ.

3. Домен номи индивидуаллаштиришнинг мустақил воситаси сифатида бир қанча белгилар билан тавсифлаб берилди:

биринчи – маҳсулотни, бажариладиган ишлар ёки кўрсатиладиган хизматларни эмас, балки, аввало, ахборот ресурсини индивидуаллаштиради;

иккинчи – домен нисбатан янги бўлиши мумкин эмас, у фақат мутлақо янги бўлиши мумкин;

учинчи – домен фақат бир шахсга қарашли бўлиши мумкин;

тўртинчи – домен фақат тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсгагина эмас, балки ҳуқуқнинг ҳар қандай субъектига қарашли бўлиши мумкин;

бешинчи – домен номи фақат у рўйхатдан ўтказилган мамлакат учунгина эмас, балки жаҳоннинг барча мамлакатлари учун мутлақо ноёб ҳисобланади.

4. Товар белгисига бўлган ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқлари ҳимоясини Интернет тармоғида, хусусан домен номларидан фойдаланишда таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонуннинг 26-моддасини қуйидагича баён қилиш таклиф этилди:

«Товар белгисини ёки шу белги билан белгиланган товарни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рухсат берилмаган тарзда тайёрлаш, қўллаш, олиб кириш, савдога таклиф этиш, сотиш, ўзгача тарзда фуқаролик муомаласига киритиш ёки уларни шу мақсадда сақлаш ёхуд улар билан адаштириб юборадиган даражада айнан ўхшаш бўлган бир хилдаги товарларни белгилаш, шу жумладан, кўрсатилган белгилардан Интернет тармоғида, хусусан домен номида ва бошқа адресация усулларида фойдаланиш, агар ушбу фойдаланиш товар белгиси давлат рўйхатидан ўтказилишидан олдин бошланмаган бўлса, товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқни бузиш (товар белгисидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланиш) деб эътироф этилади».

5. Домен номи ва бошқа индивидуаллаштириш воситаси эгалари ўртасидаги вужудга келиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олиш мақсадида домен номини рўйхатдан ўтказиш вақтида шундай ном (товар белгиси, фирма номи ва ҳ.к.) давлат рўйхатидан ўтказилган ёки патентга эга бўлса, ушбу ном эгаси рўйхатдан ўтказилган доменга эгалик қилиш ва суд орқали талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиши, лекин ушбу ном домен номига эгалик бошланганидан кейин давлат рўйхатидан ўтказилган бўлса, шундай ном (товар белгиси, фирма номи ва ҳ.к.) эгаси домен номини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлмаслиги қонунчиликда ўз аксини топиши кераклиги асослантирилди. Шунингдек, ўзаро адаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлган доменларнинг рўйхатга олинишини таъқиқлаш мақсадга мувофиқлиги кўрсатилди.

6. Домен номига бўлган ҳуқуқ субъектив ҳуқуқ, яъни Интернетдаги ахборот тизими ва (ёки) доменни идентификация қилиш учун муайян домен номидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳисобланади.

Домен номига бўлган ҳуқуқ қуйидаги ваколатларни ўз ичига олувчи субъектив ҳуқуқ ҳисобланади:

- домен номидан ахборот тизимларини идентификация қилиш учун фойдаланиш;

- қонунга зид бўлмаган ҳар қандай усулда фойдаланиш;

- домен номига бўлган ҳуқуқни ўзга шахсга шартномага биноан тўлиқ ёки қисман ўтказиш.

Домен номининг у орқали олинадиган ахборот ресурсларини индивидуаллаштириши унга бўлган ҳуқуқни ҳосила ҳуқуқ сифатида қарашга асос бўлади.

7. Давлат органларининг доменларига нисбатан Интернет тармоғидаги давлат ахборот ресурсларини идентификация қилиш учун мўлжалланган домен номлари алоҳида тузилиб, уларнинг тузилиши махсус ҳужжатлар билан белгиланиши лозим, зеро бу давлат ахборот тизимларини яратиш, давлат органлари фуқароларга ўз фаолияти ҳақида ахборот бериш борасидаги мажбуриятларини бажариши устидан назорат олиб боришни соддалаштиради ва пировард натижада инсон ва фуқаронинг ахборот олиш ҳуқуқини рўёбга чиқаришга кўмаклашади.

8. Домен номига оид муносабатлар шартномавий муносабатлар эканлиги ёритиб берилди. Бу муносабатлар қуйидаги шартномавий кўринишда бўлиши кераклиги ҳамда бу шартномалар ишлаб чиқилиши лозимлиги асослантирилди:

- домен номини рўйхатдан ўтказувчи ташкилот ва домен номи эгаси ўртасидаги шартномавий муносабат;
- домен номи эгаси ва домен номини олмоқчи бўлган иккинчи тараф ўртасидаги шартномавий муносабат (олди-сотди шартномаси);
- домен номи эгаси ва домен номидан фойдаланувчи шахс ўртасидаги шартномавий муносабат.

9. Домен номига оид муносабатларда коллизия муаммо ҳам вужудга келиши кўрсатилди. Бунга домен номи қаерда рўйхатдан ўтказилганлигини ва унга қайси мамлакат ҳуқуқини қўллашни аниқлаш муаммоси киради. Бизнинг фикримизча, домен номи .uz миллий домен зонасида рўйхатдан ўтказилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий режимида бўйсунлигини қонунчиликда белгилаб қўйиш тўғри бўлади. Агар домен номи бошқа миллий домен зоналарида рўйхатдан ўтказилса, ўша мамлакат қонунчилиги қўлланилади. Аммо халқаро домен зонасида рўйхатдан ўтказилиб, уни рўйхатдан ўтказган шахс Ўзбекистон Республикаси жисмоний ёки юридик шахси бўлса ёки ушбу домен ва ушбу домен орқали акс эттириладиган маълумотлар Ўзбекистон Республикасига қаратилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги қўлланилиши белгиланиши лозим.

10. Домен номига оид муносабатларда домен номларининг миллий регистраторлари ўрни муҳим бўлиб, бу соҳада давлат назоратини кучайтириш ҳамда миллий регистраторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини кенгайтириш лозим. Бунда агар рўйхатдан ўтказилган домен номи ҳамда у орқали акс эттириладиган ахборот Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўладиган бўлса, ушбу домен фаолияти ва унда акс эттириладиган ахборотларни чеклаш имконияти яратилиши ҳамда рўйхатдан ўтказиладиган домен номи қўпол, ҳақоратли ёки номақбул мазмунга эга бўлса уни рўйхатдан ўтказишни рад этиш керак. Шу билан бир қаторда, миллий регистратор билан Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Интеллектуал мулк агентлигининг ўзаро алоқаси ва ахборот алмашинувини таъминлаш зарур. Бу, ўз навбатида, мамлакатнинг миллий ва глобал Интернет

тармоғидан фойдаланувчиларининг шахсий ҳимояси сифатида намоён бўлади ҳамда мамлакат ахборот хавфсизлигининг таъминланишида муҳим ўрин эгаллайди.

11. Домен номлари бўйича келиб чиқадиган низоларни ҳал қилишда чет эл мамлакатлари суд амалиётидан кенг фойдаланиш мумкин, лекин бу амалиёт кўпроқ суд прецеденти сифатида вужудга келишини эътиборга олиш зарур. Шулар билан бирга, чет эл амалиёти асосланувчи UDRP сиёсатини тўлиқ миллий амалиётда қўллаш ижобий усул деб ҳисобланмайди. Шунинг учун ижобий ҳорижий тажрибадан фойдаланган ҳолда домен номлари билан боғлиқ муносабатларни тўлиқ ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган махсус Ўзбекистон Республикасининг «Домен номлари тўғрисида»ги қонунини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

12. Миллий Интернет тармоғидан фойдаланувчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва миллий Интернет тармоғида ҳуқуқ бузилишларининг олдини олиш, шунингдек, домен номларига оид муносабатларни тўлиқ ҳуқуқий тартибга солиш, бу муносабатларга киришувчи шахслар ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаб бериш мақсадида, шу муносабатларга тааллуқли махсус миллий қонунлар қабул қилиниши лозим. Бундай қонунлар сифатида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон миллий Интернет сегменти тўғрисида»ги ва «Интернет хизмати кўрсатишни ҳуқуқий тартибга солиш тўғрисида»ги қонунлар ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши керак, бу қонунлар ушбу соҳани тартибга солиш йўлидаги самарали қадам бўлар эди.

Ишнинг илмий янгилиги шундан иборатки, диссертация тадқиқотида республикаимизнинг фуқаролик ҳуқуқи фанида илк бор домен номининг ҳуқуқий режимини комплекс ўрганишга ҳаракат қилинган, домен номининг ахборот-ҳуқуқий табиати ва индивидуаллаштириш воситалари билан ўзаро алоқаси масалалари тадқиқ этилган, домен номига бўлган ҳуқуқ билан боғлиқ низолар бўйича чет эл амалиёти умумлаштирилган, миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритилган. Шунингдек, домен номларидан фойдаланганда ва уларни ривожлантирганда юзага келувчи интеллектуал мулк ва ахборотга доир муносабатларни, шу жумладан Интернет тармоғини ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар илгари сурилган.

Шунингдек, тадқиқот ишининг илмий янгилиги домен номининг ҳуқуқий тушунчасига муаллифлик таърифи берилганлигида; ижобий ҳорижий тажрибадан фойдаланган ҳолда домен номларига оид муносабатларни тўлиқ ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган махсус Ўзбекистон Республикасининг «Домен номлари тўғрисида»ги Қонун лойихаси ишлаб чиқилиб, унинг қабул қилиниши лозимлиги асослантирилганида; Ўзбекистон Республикасининг Интернет тармоғидан фойдаланиш, хизмат кўрсатиш ва домен номи эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш шакллари ва усуллари тартибга солувчи норматив ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш ва домен номларига оид муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши самарадорлигини ошириш юзасидан амалий тавсияларни ишлаб чиқиб, уларни асослашда намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Ишнинг илмий (назарий) аҳамияти қуйидагилар билан белгиланади:

- домен номи ҳуқуқ объекти ва индивидуаллаштириш воситаси сифатида тавсифлангани ва унинг белгилари аниқлангани билан;
- домен номи ва бошқа индивидуаллаштириш воситалари (аввало, товар белгиси)нинг ўзаро нисбати, шунингдек, уларга бўлган ҳуқуқлар таҳлил қилингани билан;
- диссертация тадқиқотидан кўриб чиқилаётган муаммоларга доир бўлғуси илмий тадқиқотлар учун асос сифатида фойдаланилиши мумкинлиги билан.

Диссертациянинг амалий аҳамияти шундан иборатки, унда:

- муаллиф домен номларига оид муносабатларни тўлиқ ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Домен номлари тўғрисида”ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиққан;
- интеллектуал мулк соҳасида миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар илгари сурилган;
- тадқиқот натижаларидан “Фуқаролик ҳуқуқи”, “Халқаро хусусий ҳуқуқ”, “Интеллектуал мулк ҳуқуқи”, “Ахборот ҳуқуқи” курсларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижаларидан Тошкент давлат юридик институтида «Фуқаролик ҳуқуқи», «Халқаро хусусий ҳуқуқ», «Фуқаролик ҳуқуқи муаммолари» фанлари ҳамда «Интеллектуал мулк ҳуқуқи» ўқув курсини ўтиш жараёнида фойдаланилмоқда. Интернет тармоғи, ахборотлаштириш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклиф ва хулосалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тақдим этилган.

Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси). Диссертация иши Тошкент давлат юридик институти «Халқаро хусусий ҳуқуқ» кафедраси мажлиси (30.11.2010й.), Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети илмий-назарий семинари (29.04.2011й.), ТДЮИ фуқаролик ҳуқуқи фанлари бўйича Муаммовий кенгашида (07.06.2011й.) муҳокама этилиб, ҳимояга тавсия қилинган.

Ҳимояга қўйилаётган қоидалар ва илмий хулосалар бўйича «Ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги соҳаларининг ҳуқуқий масалалари» мавзусидаги ёш тадқиқотчиларнинг иккинчи республика илмий-назарий конференцияси (Тошкент, 2008), «Халқаро хусусий ҳуқуқнинг долзарб муаммолари» илмий-назарий конференцияси (Тошкент, 2010), «Ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги соҳаларининг ҳуқуқий масалалари» мавзусидаги ёш тадқиқотчиларнинг учинчи республика илмий-назарий конференциясида (Тошкент, 2010) маърузалар қилинган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация тадқиқоти устида ишлаш жараёнида муаллиф томонидан ишнинг асосий илмий натижалари акс эттирилган 24 мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўққиз параграфни ўз ичига олган уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати

ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 155 бет бўлиб, уни ёзишда 200 дан ортиқ манбадан фойдаланилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқот ишининг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги асослантирилиб, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг предмети, объекти, мақсади ва вазифалари аниқланади, назарий-методологик асослари очиқ берилди, тадқиқотнинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти тавсифланди, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар шакллантирилди, тадқиқот натижалари синовдан ўтганлиги, натижаларнинг эълон қилинганлиги баён этилди.

Диссертациянинг биринчи боби «**Домен номи тушунчаси ва домен номларининг ҳуқуқий тартибга солиниши**» деб номланиб, унда домен номи тушунчаси ва унинг Интернет тармоғидаги ўрни, домен номининг ўзига хос хусусиятлари ва Интернет адресациянинг бошқа турларидан фарқи, домен номлари эгаларининг домен номига бўлган мутлақ ҳуқуқларига оид масалалар илмий тадқиқ қилинган.

Домен Интернет компьютер тармоғи фойдаланувчиси одатланган фаолиятининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Мазкур ахборот тизими доирасида ушбу фаолиятни мухтасар тарзда қуйидагича тавсифлаш мумкин. Тармоққа уланган ҳар бир компьютер ноёб IP-адресга эга бўлади. Тармоқда қидирув ва компьютерларнинг ўзаро алоқаси айна шу адресга мувофиқ юз беради. IP-адрес нукталар билан ажратилган тўрт сондан иборат кетма-кетликдир. Эслаб қолиш ва идрок этишда қулайлик яратиш учун домен номлари тизими (Domain Name System – DNS) яратилган бўлиб, у абстракт белгили номни (масалан, site.uz) тармоқдаги аниқ IP-адрес (123.123.123.123) билан солиштириш имконини беради¹³.

Белгили ном нукталар билан ажратилган бир нечта домен номларини ўз ичига олади. Ўнг томондан биринчи – юқори даража домен, ундан кейин ўнгдан чапга қараб иккинчи ва қуйи даража доменлар ўрин олган. Масалан, [«info.law.uz»](http://info.law.uz) ёзувида: uz – юқори (биринчи) даража домени, law – иккинчи даража домени, info – учинчи даража домени.

Миллий қонунчилигимизда домен номи (домен) тушунчасига таъриф берилмаган. Моҳият эътибори билан домен – бу Интернет халқаро компьютер тармоғининг .uz миллий домен зонасида жисмоний ёки юридик шахсларга қарашли бўлган ахборот ресурсларини индивидуаллаштириш учун хизмат қилувчи шартли белги (ноёб белгили ном). Аммо домен фойдаланиладиган, муайян ахборот ресурсини кўрсатувчи бўлиши ҳам, рўйхатдан ўтказилган, лекин фойдаланилмаётган бўлиши ҳам мумкин.

¹³ Домен номлари тизими ҳақида батафсилроқ қаранг: <http://info.nic.ru/domains/review.html>

«UZ» доменидаги домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомда¹⁴ шундай таъриф мавжуд: «Домен – номли мезон бўйича ажратилган ва уни қўллаб-қувватлаш учун жавоб берадиган ташкилотга эгалик қилиш учун тақдим этилган Интернет тармоғининг қисми». Домен номи эса – номларнинг домен тизимида мувофиқ компьютер тармоғи узелига бириктирилган ноёб белгили ном.

Кўриб турганимиздек, домен ва домен номи тушунчаларининг аниқ ва мукамал таърифи йўқ, мавжуд таърифлар эса асосан тармоқни ташкил этишнинг техник томонини ёритишга қаратилган ва доменнинг мазмун жиҳатини ҳисобга олмайди.

Диссертант домен номи тушунчасига нисбатан бир қатор ҳуқуқшунос олимлар (А.Серго, В.Наумов, В.Калятин, К.Сокерин, Ю.Яхин, С.Нестерович, В.Кравченко, А.Осокин ва бошқалар) томонидан берилган таърифларни ўрганиб чиқиб, қуйидагича муаллифлик таърифини таклиф этади: «Домен номи (домен) – Интернет халқаро компьютер тармоғидаги ахборот ресурсларини индивидуаллаштиришга хизмат қилувчи, мазкур тармоққа кирадиган электрон-ҳисоблаш машиналарини техник адресацияси ўрнини босувчи ноёб шартли белги (белгили ном)».

Ҳозирги пайтга келиб домен номлари нафақат тармоқ ахборот ресурсининг (сайтнинг) техник ролини, балки маълум ишлаб чиқарувчининг маҳсулоти ва хизматларини унинг рақобатчиларининг маҳсулотлари ва хизматлари ичида ажратиб кўрсатувчи маҳсулот белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси билан вазифалари ўхшаш бўлган айнанлаштириш воситаси ролини бажаради¹⁵. Анчадан бери таркиб топган амалиётга кўра маълум фирма ёки яхши маълум бўлган маҳсулот тўғрисидаги маълумотни топишнинг усулларида бири – уларнинг номини ўз ичига олувчи манзилни теришдир (масалан, «soca-sola.uz»). Бу ерда домен номи мажозий маънода у ёки бу фирма офисининг эшигида бўладиган виртуал жадвалча ролини бажаради. Шу муносабатда маҳсулот белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ёки фирма номига бўлган ҳуқуқлар ҳамда домен номига бўлган ҳуқуқларнинг бир-бирига нисбатан муносабатининг низоли масаласи вужудга келади.

Домен номи рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб, у кимнинг номига рўйхатдан ўтган бўлса, шу шахснинг эгалигига ўтади. Бунда домен номининг эгаси ҳам юридик, ҳам жисмоний шахс бўлиши мумкин. Рўйхатдан ўтказган шахс, амалда домен номига бўлган тўлиқ мулк ҳуқуқини, яъни эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Домен номини рўйхатдан ўтказган шахсга, қонунларга зид бўлмаган ҳолда, ЎЗР ФК нинг 1034-моддасига асосан домен номидан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлар тегишли бўлади.

Домен номига бўлган мутлақ ҳуқуқ шартнома асосида қонуний рўйхатдан ўтказилган давр мобайнида амал қилади. Шу билан бир қаторда

¹⁴ Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг 2008 йил «26» май 155-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 23 июнда 1830-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

¹⁵ Калятин В.О. Интеллектуальная собственность (Исключительные права). – М., 2000. – С.380.

домен номига бўлган мутлақ ҳуқуқ муддати бир йилдан кам бўлиши мумкин эмас.

Ўз навбатида домен номига бўлган ҳуқуқ қуйидаги ваколатларни ўз ичига олувчи субъектив ҳуқуқ сифатида намоён бўлади:

- домен номидан ахборот тизимларини идентификация қилиш учун фойдаланиш;

- қонунга зид бўлмаган ҳар қандай усулда фойдаланиш;

- домен номига бўлган ҳуқуқни ўзга шахсга шартномага биноан тўлиқ ёки қисман ўтказиш.

Диссертациянинг «**Домен номига бўлган ҳуқуқ субъектлари**» деб номланган иккинчи бобида домен номларига даъвогарлар ва домен номларига бўлган ҳуқуқ эгалари, домен номларининг эгалари ва улар ўртасидаги муносабатлар, домен номларини миллий рўйхатдан ўтказувчиси ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари масалалари ва улар киришадиган муносабатлар ҳамда шу субъектлар иштирокида вужудга келадиган низолар тизимли таҳлил этилди.

Амалиётда ва халқаро тажрибада киберсквоттерлар, яъни ноқонуний фойдаланувчилар томонидан эгаллаб олинган доменларга даъво билан арз қилиш ҳолларигина эмас, балки инсофли фойдаланувчилардан доменларни тортиб олишга уринишлар қайд этилган. Буни кўп сонли хорижий суд амалиёти тасдиқлайди.

Ушбу боб доирасида амалга оширилган хорижий суд амалиётининг таҳлили домен номи эгалари ҳуқуқлари ҳар доим ҳам тўғри ва ижобий ҳимоя қилинмаётганлигидан далолат бермоқда. Мазкур ҳолат, биринчи навбатда, давлатларнинг миллий қонунчиликларидаги мавжуд камчиликлар билан изоҳланади ва бу борадаги мамлакатимиз қонунчилигини шакллантириш ва такомиллаштириш жараёнида ушбу жиҳатни алоҳида эътиборга олиш лозим.

Бундай камчиликларни бартараф этишда, бизнинг фикримизча, қонун ёки қонун ости ҳужжатларида, домен номини рўйхатдан ўтказган шахс унга бўлган тўлиқ ҳуқуқларни қўлга киритиши; домен номини рўйхатдан ўтказиш вақтида шундай ном (товар белгиси, фирма номи ва ҳ.к.) давлат рўйхатидан ўтказилган ёки патентга эга бўлса, ушбу ном эгаси рўйхатдан ўтказилган доменга эгалик қилиш ва суд орқали талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиши, лекин ушбу ном домен номига эгалик бошланганидан кейин рўйхатдан ўтказилган бўлса, шундай ном (товар белгиси, фирма номи ва ҳ.к.) эгаси домен номини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлмаслиги; домен номига бўлган ҳуқуқ эгаси, домен номи биринчи ҳолда кўрсатилган равишда талаб этилган тақдирда, домен номини рўйхатдан ўтказганлик ҳақини талаб қилишга ҳақли бўлиши, иккинчи ҳолда эса домен номини ҳимоя қилиш ёки ихтиёрий равишда сотиш ҳуқуқига эга бўлиши белгиланиши керак. Бундай нормалар вужудга келадиган низоларни самарали ечишга хизмат қилади.

Ушбу боб доирасида Интернетдан фойдаланувчилар, хусусан домен номлари эгалари ҳуқуқларини ҳимояси сифатида қуйидагилар норматив-ҳужжатларда белгиланиши лозимлиги илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилди:

– домен номи ўзида маълум бир мазмун ифодаласа, унга мурожаат этганда олинадиган ахборот ва ушбу домен бўйича жойлаштириладиган Интернет сайтидаги маълумотлар домен номига мос келиши кераклиги кўрсатилиши лозим;

– домен номи ҳақоратловчи, камситувчи ва шу каби сўз ёки атамалардан таркиб топиши мумкин эмас. Домен номи бўйича жойлаштириладиган ахборот ҳамда Интернет сайти миллий қонунчилик ва жамиятда ўрнатилган ахлоқ-одоб қоидаларига зид бўлмаслиги керак;

– барчага маълум товар белгиси домен номи сифатида рўйхатдан ўтказилиши мумкин эмас, рўйхатдан ўтказилган тақдирда, бундай товар белгисининг эгаси талабига мувофиқ домен номи бўшатилиши керак;

– домен номи эгаси ва Интернет сайти муаллифи ҳамда сайтдаги эълон қилинган ахборот муаллифларининг ҳуқуқ, мажбуриятлари ва жавобгарлик даражаси ўртасидаги аниқ ҳуқуқий чегара белгилаб қўйилиши лозим.

Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази – UZINFOCOM 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида мувофиқ ташкил этилган¹⁶ ва Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (ЎзААА)нинг таркибий бўлинмаси ҳисобланади¹⁷. UZINFOCOM маркази Ўзбекистоннинг юқори даража домени (ccTLD¹⁸) UZ маъмури ҳисобланади. Ушбу фаолиятни у 2003 йил 27 мартда Интернет номлари ва манзилларини тайинлаш бўйича корпорация (ICANN¹⁹) билан тузилган ccTLD спонсорлиги тўғрисидаги Битимга мувофиқ амалга оширади. UZINFOCOM Интернет тармоғининг миллий сегментида ахборот ресурсларини яратиш ва ривожлантириш жараёнини рағбатлантириш ва мувофиқлаштириш борасида кенг қўламли ишлар олиб боради. UZINFOCOM маркази ташкилотларга домен номларини рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқини беради ва шундай ҳуқуқ олган ташкилотлар рўйхатдан ўтказувчи сифатида намоён бўлади.

Рўйхатдан ўтказувчи – домен номларини рўйхатдан ўтказиш бўйича «UZ» домени маъмури билан тузилган шартномага асосан хизматлар кўрсатадиган ва домен номи тўғрисидаги зарур ахборотнинг асосий реестрга киритилишини таъминлайдиган юридик шахс²⁰.

Домен номлари миллий регистраторларининг ўрни муҳим бўлиб, бу соҳада давлат назоратини кучайтириш ҳамда миллий регистраторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини кенгайтириш лозим. Бунда агар рўйхатдан ўтказилган домен номи ҳамда у орқали акс эттириладиган ахборот Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўладиган бўлса, ушбу домен фаолияти ва унда акс эттириладиган ахборотлар чекланиши имконияти яратилиши ҳамда

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони. 30.05.2002 й. ПФ-3080.

¹⁷ www.aci.uz

¹⁸ www.cctld.uz

¹⁹ www.icann.org

²⁰ Қаранг: «UZ» доменидаги домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом // Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг 2008 йил 26 майдаги 155-сон буйруғи билан тасдиқланган.

рўйхатдан ўтказилаётган домен номи кўпол, ҳақоратли ёки номақбул мазмунга эга бўлса уни рўйхатдан ўтказишни рад этиши керак. Шу билан бир қаторда, миллий регистратор билан Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Давлат патент идорасининг ўзаро алоқаси ва ахборот алмашинувини таъминлаш зарур. Бу ўз навбатида мамлакат миллий ва унинг глобал Интернет тармоғидан фойдаланувчиларни шахсий ҳимоялаш сифатида намоён бўлади ва мамлакат ахборот хавфсизлигининг таъминланишида муҳим ўрин эгаллайди.

Диссертациянинг «**Домен номларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш муаммолари**» деб номланган учинчи бобида домен номларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш усуллари, домен номларини ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг халқаро-ҳуқуқий тажрибаси, Ўзбекистон Республикасида домен номларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш бўйича қонунчиликни ривожлантириш истиқболлари ҳамда шу масалаларга тегишли назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялар асосланганди.

Амалга оширилган таҳлиллар натижасида, домен номларини ҳимоя қилишга доир хорижий мамлакатлар амалиёти ушбу объектлар билан боғлиқ низоларнинг асосан суд тартибида ҳал этилаётганлиги, уларни ҳал этишда қонун ёки ҳуқуқ аналогиясидан фойдаланиш кутилган даражада самара бермаётганлиги аниқланди.

Ўз навбатида халқаро амалиёт доменга бўлган ҳуқуққа доир низони бу домендан фойдаланиш ёки фойдаланмасликдан қатъи назар, кўриб чиқиш йўлидан боради. Бу эса ўз навбатида ҳуқуқ эгасининг, аввало, домен номини рўйхатдан ўтказишни домендан фойдаланиши ёки фойдаланмаслигидан қатъи назар, бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиши зарурлигини англатади.

Мазкур боб доирасидаги муаммоларнинг илмий-назарий таҳлили асосида диссертант томонидан мамлакатимизда домен номлари билан боғлиқ муносабатларнинг етарли ҳуқуқий асосини шакллантириш лозимлиги асосланганди ва шу мақсад йўлида Ўзбекистон Республикасининг “Домен номлари тўғрисида”ги қонунини қабул қилиш таклиф этилди.

Домен номларига доир низоларни ҳал этиш бўйича халқаро амалиётда Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ҳузуридаги бир нечта арбитраж маркази муҳим ўрин тутиб, улар умумий фойдаланиладиган зоналарда (COM, NET, ORG ва Ҳ.К.), шунингдек, 43 миллий доманда домен номларига доир низоларни кўриб чиқади²¹. Масалан, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ҳузурида ташкил этилган «Арбитраж ва воситачилик маркази» Интернетда домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва фойдаланишга доир низоларни ҳал қилувчи етакчи ташкилот ҳисобланади. Бу марказ ўз фаолиятини домен номларига доир низоларни кўриб чиқишнинг ягона методикаси Қоидалари (Uniform Domain Name Dispute Resolution Policy – UDRP)га мувофиқ амалга оширади. Ягона методика Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг

²¹ Қаранг: Женевада киберсквоттинг билан кураш натижалари: http://info.nic.ru/st/59/out_928.shtml

тавсияларини ҳисобга олган ҳолда товар белгилари ва домен номлари ўртасидаги конфликтни юмшатиш мақсадида ишлаб чиқилган.

UDRP уч асосий ҳужжат: домен номларига доир низоларни кўриб чиқишнинг ягона методикаси, ягона методика учун қоидалар ва тегишли низоларни кўрувчи ташкилотда²² қўлланиладиган қўшимча қоидалардан иборат.

UDRP домен номларини рўйхатдан ўтказувчилар, домен номларининг эгалари ва учинчи шахслар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш асосларини ўрнатади. Қоидаларда учинчи шахснинг товар белгиси билан айнан ёки адаштириб юборадиган даражада ўхшаш бўлган белги домен номи сифатида рўйхатдан ўтказилиши натижасида юзага келган низоларни кўришнинг умумий нормалари ва принциплари белгиланган. Қўшимча қоидалар Қоидаларда белгиланган умумий нормаларни низоларни кўриш вазифасини ўз зиммасига олган муайян ташкилотга нисбатан кенгайтиради²³.

Шуни таъкидлаш лозимки, UDRP ўзини индивидуаллаштириш воситалари эгаларининг манфаатлари тегишли доменларнинг маъмурлари билан тўқнашганда низоларни ҳал қилишнинг самарали механизмини таклиф қилувчи тезкор, молиявий жиҳатдан арзон ва адолатли тизим сифатида кўрсатди²⁴. Аввало, товар белгилари эгаларининг ҳуқуқларини уларнинг Интернет тармоғидаги домен номларига бўлган мутлақ ҳуқуқларидан қонунга хилоф равишда фойдаланишидан ҳимоя қилиш мақсадини кўзловчи UDRP айни вақтда инсофли домен маъмурини унинг низолашилаётган доменга доир ҳуқуқларидан маҳрум қилишга йўл қўймайди.

Шулар билан бир қаторда, муаллифнинг фикрича, халқаро тажрибани ёки улар асосланадиган қоидаларни тўғридан-тўғри миллий қонунчиликка киритиш ҳам ижобий ҳолат эмас. Бу жараёнда миллий хусусиятларни, албатта, инобатга олиш ва шу асосда домен номларига оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг миллий тизимини яратиш зарур.

Ҳозирги жамиятда домен номига бўлган ҳуқуққа эгалик қилиш амалда ахборотни Интернет тармоғи орқали бериш ва тарқатишнинг зарурий шarti ҳисобланади. Шу сабабли домен номига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш ахборотни Интернет тармоғи орқали бериш ва тарқатишнинг зарурий шarti сифатида эътироф этилади.

Домен номига бўлган ҳуқуқлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида ёки бошқа қонунларда мустаҳкамланса, айни вақтда домен номи тушунчасига таъриф берилса, домен номига доир ҳуқуқни эгаллаш тартибини

²² Ҳозирги вақтда бундай ташкилотлар қаторига қуйидагилар киради: домен номларига доир низоларни кўрувчи Осиё маркази – Asian Domain Name Dispute Resolution Centre [ADNDRC] (2002 йил 28 февралдан, офислари Пекин ва Гонконгда); Низоларни кўриш институти CPR - CPR institute for Dispute Resolution [CPR] (2002 йил 22 майдан); Миллий Арбитраж Форуми – The National Arbitration Forum [NAF] (1999 йил 23 декабрдан); Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти – World Intellectual Property Organization [WIPO] (1999 йил 1 декабрдан). Approved Providers for Uniform Domain-Name Dispute-Resolution Policy <http://www.icann.org/udrp/approved-providers.htm>

²³ Минков А.М. Рассмотрение споров о доменных именах в соответствии с процедурой UDRP. – М.: Волтерс Клувер, 2004. – С.304.

²⁴ Кирий Л.Л. Охрана интеллектуальной собственности в национальных доменах Интернета // Патенты и лицензии. –М., 2001. – № 7. – С. 33-40.

ўрнатиш орқали домен номлари тизимида Ўзбекистон Республикасининг юрисдикцияси белгиланса, домен номига бўлган ҳуқуқнинг мазмуни ёритилса, бошқа индивидуаллаштириш воситаларига бўлган мутлақ ҳуқуқлар эгаларининг ҳуқуқлари мустаҳкамланса, домен номига бўлган ҳуқуқни ўзга шахсга ўтказиш тўғрисида шартнома жорий этилса, домен номига бўлган ҳуқуқларнинг амал қилиш муддатлари ва домен номига бўлган ҳуқуққа эътироз билдириш ва уни бекор қилиш асослари белгиланса, бизнингча, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Домен номини ҳуқуқий тартибга солишда унинг ўзига хос хусусиятлари, яъни домен номининг уч вазифаси: идентификация қилиш, индивидуаллаштириш ва адресация вазифалари мавжудлиги эътиборга олинishi керак. Домен номларини ҳуқуқий тартибга солиш UZ доменларида рўйхатдан ўтказилган иккинчи даража домен номларига ва Ўзбекистон Республикаси резидентлари ёки Ўзбекистон Республикаси регистраторлари томонидан рўйхатга олинган халқаро доменларга нисбатан татбиқ этилиши ўринлидир.

Миллий қонунчилик доирасида домен номининг ҳуқуқий мақоми ўрнатилиши, домен номи эгасининг ҳуқуқ ва манфаатлари, ҳамда мажбуриятларини белгилаб берувчи нормалар киритилиши, ҳамда Интернет тармоғи фойдаланувчилари, жумладан, домен номига мурожаат этувчилар ҳуқуқларининг ҳимояси таъминланиши керак. Ушбу натижаларга мамлакатимизда фуқаролик-ҳуқуқий йўналишдаги ахборотлаштириш ва интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги қонунчиликни ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш орқали эришиш мумкин.

ХУЛОСА

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари асосида қуйидаги илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган таклифлар ишлаб чиқилди:

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларини таҳлил этиш ҳамда миллий ва хорижий олимларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиб чиқиш натижасида домен номининг қуйидаги илмий-ҳуқуқий таърифи ишлаб чиқилди:

«Домен номи (домен) – Интернет халқаро компьютер тармоғидаги ахборот ресурсларини индивидуаллаштиришга хизмат қилувчи, мазкур тармоққа кирадиган электрон-ҳисоблаш машиналарининг техник адресацияси ўрнини босувчи ноёб шартли белги (белгили ном)».

Домен номи кўплаб ҳолатларда товар белгисига тенглаштирилади, бу ҳол норматив ҳуқуқий ҳужжатларда акс этмаган, хорижий тажриба эса бунга тўлиқ тасдиқламайди, диссертацияда домен номи ва бошқа индивидуаллаштириш воситалари ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар, шу жумладан уларнинг ўзаро боғлиқ жиҳатлари ёритилди. Олиб борилган изланиш натижасида домен номи товар белгиси ёки фирма номи билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган ҳуқуқнинг мустақил объекти, индивидуаллаштириш воситасининг алоҳида тури ҳисобланиши исботлаб

берилди. Шунинг учун домен номи ва товар белгиси ўзаро фарқланиб, домен номлари алоҳида индивидуаллаштириш воситаси сифатида, яъни товар белгилари билан бир хил бўлмаган ҳолда ҳуқуқий тартибга солишни талаб этиши намоён бўлди.

Бунда домен номи индивидуаллаштиришнинг мустақил воситаси сифатида бир қанча белгилар билан тавсифланиши кўринади:

биринчи – маҳсулотни, бажариладиган ишлар ёки кўрсатиладиган хизматларни эмас, балки, аввало, ахборот ресурсини индивидуаллаштиради;

иккинчи – домен нисбатан янги бўлиши мумкин эмас, у фақат мутлақо янги бўлиши мумкин;

учинчи – домен фақат бир шахсга қарашли бўлиши мумкин;

тўртинчи – домен фақат тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсгагина эмас, балки ҳуқуқнинг ҳар қандай субъектига қарашли бўлиши мумкин;

бешинчи – домен номи нафақат у рўйхатдан ўтказилган мамлакат, балки жаҳоннинг барча мамлакатлари учун мутлақо ноёб ҳисобланади.

Миллий ва ҳорижий қонунчилик, суд амалиёти тахлили натижалари шуни кўрсатдики, Республикамиз қонунчилигида домен номи фирма номи, товар чиқарилган жой номи ёки товар белгисидан фойдаланиш усули сифатида эмас, балки индивидуаллаштириш воситасининг алоҳида тури сифатида мустақил тартибга солиниши лозим.

Ўз навбатида домен номи билан товар белгисига бўлган ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқлари ўзаро ҳимоясини Интернет тармоғида таъминлаш мақсадида “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонуннинг 26-моддасини қуйидагича баён қилиш таклиф этилди:

«товар белгисини ёки шу белги билан белгиланган товарни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рухсат берилмаган тарзда тайёрлаш, қўллаш, олиб кириш, савдога таклиф этиш, сотиш, ўзгача тарзда фуқаролик муомаласига киритиш ёки уларни шу мақсадда сақлаш ёхуд улар билан адаштириб юборадиган даражада айнан ўхшаш бўлган бир хилдаги товарларни белгилаш, шу жумладан, кўрсатилган белгиларни Интернет тармоғида, хусусан, домен номида ва бошқа адресация усулларида фойдаланиш, агар ушбу фойдаланиш товар белгиси давлат рўйхатидан ўтказилишидан олдин бошланмаган бўлса, товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқни бузиш (товар белгисидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланиш) деб эътироф этилади».

Кўрсатилган ўзгартириш қонун нормасида акс этган ҳолда, домен номи ва бошқа индивидуаллаштириш воситаси эгалари ўртасидаги вужудга келиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олиш имкони туғилиб, домен номини рўйхатдан ўтказиш вақтида шундай ном (товар белгиси, фирма номи ва ҳ.к.) давлат рўйхатидан ўтказилган ёки патентга эга бўлса, ушбу ном эгаси рўйхатдан ўтказилган доменга эгалик қилиш ва суд орқали талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиши, лекин ушбу ном домен номига эгалик бошланганидан кейин давлат рўйхатидан ўтказилган бўлса, шундай ном (товар белгиси, фирма

номи ва ҳ.к.) эгаси домен номини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлмаслигида намоён бўлиши асосланди.

Домен номига бўлган ҳуқуқ субъектив ҳуқуқ, яъни Интернетдаги ахборот тизими ва (ёки) доменни идентификация қилиш учун муайян домен номидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳисобланиши кўрсатилиб, домен номига бўлган ҳуқуқ қуйидаги ваколатларни ўз ичига олувчи субъектив ҳуқуқ деб эътироф этилди:

- домен номидан ахборот тизимларини идентификация қилиш учун фойдаланиш;
- конунга зид бўлмаган ҳар қандай усулда фойдаланиш;
- домен номига бўлган ҳуқуқни ўзга шахсга шартномага биноан тўлиқ ёки қисман ўтказиш.

Шулар билан бир қаторда, домен номининг у орқали олинадиган ахборот ресурсларини индивидуаллаштириши унга бўлган ҳуқуқни ҳосила ҳуқуқ сифатида қарашга асос бўлиши ҳам кўрсатилди.

Давлат органларининг доменларига нисбатан Интернет тармоғидаги давлат ахборот ресурсларини идентификация қилиш учун мўлжалланган домен номлари алоҳида тузилиб, уларнинг тузилиши махсус ҳужжатлар билан белгиланиши ва конун нормаларида акс этиши кераклиги кўрсатилди. Бу давлат ахборот тизимларини яратиш, давлат органларининг фуқароларга ўз фаолияти ҳақида ахборот бериш борасидаги мажбуриятларини бажариши устидан назорат олиб боришини соддалаштиради ва пировард натижада инсон ва фуқаронинг ахборот олиш ҳуқуқини рўёбга чиқаришга кўмаклашиши асослаб берилди.

Ҳозирги вақтда адаштириб юбориш даражасидаги ўхшаш доменларни рўйхатдан ўтказиб фойдаланиш ҳоллари кўплаб учрайди, бунда кўпинча асосий домен номининг обрўсидан, яъни машҳурлигидан фойдаланиш мақсади ётади. Шундай низоларнинг олдини олиш мақсадида, хорижий ижобий тажрибадан фойдаланиб, адаштириб юбориш даражасидаги ўхшаш доменларни рўйхатдан ўтказишни таъқиқлаш ёки асосий домен номи эгасига зарар етказаётганлиги аниқланса, шундай доменни рўйхатдан ўчириш зарурлиги белгиланиши лозим. Бунда адаштириб юбориш даражасидаги ўхшаш доменларга нисбатан қуйидаги ёндашув умумэътироф этилган: низо чиққан тақдирда, агар домен маъмури билан товар белгисининг эгаси ўртасида алоқа мавжуд деб тахмин қилиш эҳтимоли кучли бўлса, домен номи ўз-ўзидан адаштириб юбориш даражасида ўхшаш деб ҳисобланади.

Домен номини рўйхатдан ўтказувчи ташкилот ва домен номи эгаси ўртасидаги муносабатларни тўлиқ ҳуқуқий тартибга солинишида, домен номларини рўйхатдан ўтказувчи ва домен номининг бўлғуси эгаси ўртасида тузиладиган ёзма шартноманинг тузилиши анча оддий кўринишда ва тарафларнинг тўлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб қўймайди, шунингдек, низо келиб чиқадиган тақдирда ушбу низонинг тўғри хал қилиниши учун шартнома бандлари тушунарсиз тарзда намоён бўлади. Одатда бундай шартнома бир йил муддатга тузилади, муддат тугашида эса домен номи эгаси домен номига бўлган тўловни муддат тугамасидан олдин амалга

оширса, унинг домен номига эгаллиги яна бир йилга узайтирилган ҳисобланади. Шу ҳолатдаги камчилик яққол кўзга ташланади, бундай узайтириш домен номини рўйхатга ўтказувчи томонидан амалга оширилади, яъни дастлаб тузилган шартномага асосан, лекин дастлабки шартномада ҳеч қандай маълумотлар акс этмайди, қўшимча шартнома ҳам, янги шартнома ҳам тузилмайди. Бу ҳол шуни англатадики, домен номи эгасининг қўлида фақатгина дастлабки шартнома қолади, ҳуқуқий жихатдан ушбу шартнома ўз кучини йўқотган бўлиб ҳисобланади ҳамда низо келиб чиқадиган бўлса, ушбу шартнома ёрдамида ҳуқуқларнинг ҳимоя қилиниш имконияти мавжуд бўлмай қолиши мумкин.

Бундай камчиликларнинг бартараф этилиши учун домен номини рўйхатдан ўтказиш шартномаси янгитдан ишлаб чиқилиши ва домен номи узайтирилган тақдирда қўшимча шартнома ёки янги шартнома тузилиши кераклиги белгилаб қўйилиши зарур бўлади.

Ҳозирги кунда домен номининг ўзи ҳам савдо-сотиқ объекти бўлиб қолмоқда, яъни домен номи эгаси дастлаб доменни маълум нархга рўйхатдан ўтказиб ўзининг эгаллигига ўтказган бўлса, кўпроқ ҳақ эвазига сотиш имконияти ҳам мавжуд. Лекин бу ҳолат ҳуқуқий тартибга солинмаган. Шундай вазият вужудга келганида домен номи эгаси домен номидан воз кечиши, сотиб олаётган шахс эса уни рўйхатдан ўтказиши лозим бўлади ёки домен номи эгаси домен номидан фойдаланиш муддати тугагунига қадар унга бўлган ҳуқуқларни сақлаб қолаверади, лекин фойдаланишни топширади. Бизнинг фикримизча, бу муносабатлар ҳам шартномавий тарзда ҳал қилиниши лозим, яъни домен номи эгаси ўзига тегишли доменни сотишни амалга ошириши мумкин, тарафлар ўзаро келишилган нарх бўйича олди-сотдини амалга ошириши керак ва ушбу шартнома асосида домен номини рўйхатдан ўтказувчи домен номини унинг эгасидан сотиб олган шахсга ўтказиши керак бўлади.

Домен номини рўйхатдан ўтказиш ҳам доимо ундан фойдаланишни англатмайди, домен номига эгаллиги қўлга киритган шахс, ундан фойдаланишни бошқа шахсга топшириши мумкин. Бизнинг фикримизча, шундай ҳолатларда ҳам тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари шартнома орқали белгилаб қўйилиши лозим. Бу ҳол домен номи бўйича жойлаштирилган маълумотлар бўйича жавобгар шахсни аниқлашга тўлиқ имкон беради, акс ҳолда домен номи эгаси жавобгар сифатида намоён бўлиб қолади.

Домен номининг рўйхатдан ўтказилиши ва эгасининг ҳуқуқлари ҳимояси билан боғлиқ яна бир низо – бу домен номи қаердан рўйхатдан ўтказилганлигини ва унга қайси мамлакат ҳуқуқини қўллашни аниқлаш бўлиб ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, домен номи .uz миллий домен зонасида рўйхатдан ўтказилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий режимига бўйсунити қонунчиликда белгилаб қўйилиши тўғри бўлади. Агар домен номи бошқа миллий домен зоналарида рўйхатдан ўтказилса, ўша мамлакат қонунчилиги қўлланилади. Аммо халқаро домен зонасида рўйхатдан ўтказилиб, уни рўйхатдан ўтказган шахс Ўзбекистон Республикаси жисмоний

ёки юридик шахси бўлса ёки ушбу домен ва ушбу домен орқали акс эттириладиган маълумотлар Ўзбекистон Республикасига қаратилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги қўлланилиши белгиланиши лозим.

Домен номларига оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда домен номлари миллий регистраторларининг ўрни муҳим бўлиб, бу соҳада давлат назоратини кучайтириш ҳамда миллий регистратор ҳуқуқ ва мажбуриятларини кенгайтириш лозим. Агар рўйхатдан ўтказилган домен номи ҳамда у орқали акс эттириладиган ахборот Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўладиган бўлса, ушбу домен фаолияти ва унда акс эттириладиган ахборотлар чекланиши ҳамда рўйхатдан ўтказиладиган домен номи қўпол, ҳақоратли ёки номақбул мазмунга эга бўлса уни рўйхатдан ўтказишни рад этиш керак. Шу билан бир қаторда, Миллий регистратор билан Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Интеллектуал мулк агентлигининг ўзаро алоқаси ва ахборот алмашинувини таъминлаш зарур. Бу ўз навбатида мамлакат миллий ва унинг глобал Интернет тармоғидан фойдаланувчиларни шахсий ҳимоялаш сифатида намоён бўлади ва мамлакат ахборот хавфсизлигининг таъминланишида муҳим ўрин эгаллайди.

Домен номларига доир ҳуқуқий муносабатлар қуйидагиларни ўз ичига олиши белгилаб берилди:

- домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланишнинг умумий қоидаларини белгилашга доир муносабатларни;
- муайян домен номлари билан идентификация қилинадиган доменларга нисбатан махсус ҳуқуқий режимни ўрнатишга доир муносабатларни;
- домен номларини, шу жумладан махсус ҳуқуқий режимли доменларни рўйхатдан ўтказишга доир муносабатларни.

Домен номларига доир ҳуқуқий муносабатларнинг асосий иштирокчилари рўйхати қуйидаги шахсларни ўз ичига олиши аниқланди: (1) домен маъмури; (2) фойдаланувчи – субдомен маъмури; (3) субдомен маъмури рўйхатдан ўтказган домен номига бўлган имтиёзли ҳуқуқ эгаси; (4) сўровларни ахборот тизими орқали адресация қилиш учун субдоменнинг домен номидан фойдаланувчи учинчи шахс; (5) учинчи шахснинг провайдери, яъни Интернетга уланиш хизматини кўрсатувчи, субдоменнинг домен номига мос келувчи IP-адрес ҳақидаги қайдни чекланган вақт мобайнида сақлаши мумкин бўлган ташкилот; (6) юқори даража домен маъмури.

Доменга нисбатан қуйидаги ҳуқуқий режимлардан бири ўрнатилиши мумкинлиги асосланди: 1) оммавий режим, яъни маъмур тегишли қоидаларга мувофиқ берган аризага биноан домен номини рўйхатдан ўтказишга мажбур бўлган домен ҳуқуқий режими; 2) хусусий режим, яъни рўйхатдан ўтказиш маъмур билан келишувга биноан амалга ошириладиган домен ҳуқуқий режими; 3) умумий режим – домен номига бўлган имтиёзли ҳуқуқ интеллектуал мулк объектининг ҳар қандай эгасига қарашли бўлган, бундай ҳуқуқ объектларининг рўйхати қонун билан белгиланадиган домен ҳуқуқий режими; 4) махсус режим, яъни домен номига бўлган имтиёзли ҳуқуқ ўзга интеллектуал мулк объектига бўлган мутлақ ҳуқуққа эгалик туфайли вужудга

келадиган, объект турини домен маъмури белгилайдиган домен ҳуқуқий режими. Бундай режимларни қўллаш домен номлари бўйича чеклашлар, камситишларсиз белгиланган ва қўлланилган ҳолда жоиз деб эътироф этилади ва турли интеллектуал мулк объектлари эгаларининг бир домен доирасида таъминлаш мумкин бўлмаган ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида зарур ҳисобланади.

Тадқиқот ишида домен номлари бўйича келиб чиқадиган низоларни ҳал қилишда ҳорижий мамлакатлар суд амалиётидан кенг фойдаланиш мумкинлиги намоён бўлди, лекин бу амалиёт кўпроқ суд прецеденти сифатида вужудга келишини эътиборга олиш зарур. Шулар билан бирга, чет эл амалиёти асосланувчи UDRP сиёсатини тўлиқ миллий амалиётда қўллаш ижобий усул деб ҳисобланмайди. Шунинг учун ижобий ҳорижий тажрибадан фойдаланган ҳолда домен номлари билан боғлиқ муносабатларни тўлиқ ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган махсус Ўзбекистон Республикасининг «Домен номлари тўғрисида»ги қонунини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқлиги асослантирилди.

Миллий Интернет тармоғидан фойдаланувчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва миллий Интернет тармоғида ҳуқуқ бузилишларининг олдини олиш мақсадида шу муносабатларга тааллуқли махсус миллий қонунлар қабул қилиниши лозим. Бундай қонунлар сифатида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон миллий Интернет сегменти тўғрисида»ги ва «Интернет хизмати кўрсатишни ҳуқуқий тартибга солиш тўғрисида»ги қонунлар ишлаб чиқирилиши ва қабул қилиниши бу соҳани тартибга солиш йўлидаги самарали қадамлар бўлар эди.

Мамлакатимизда домен номларини тартибга солишга бағишланган норматив ҳужжатлар умуман мавжуд эмаслигини ҳисобга олганда, кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмуни таклиф этилаётган қоидаларга қараганда кенгроқ бўлиши мумкин. Мазкур норматив ҳужжат таркибига қуйидаги масалалар киритилса, бизнингча, мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- домен номи тушунчаси ва ҳуқуқий режими;
- интеллектуал мулк объектлари тизимида домен номининг ўрни;
- домен номларини рўйхатдан ўтказиш тартиби;
- доменни маъмурий бошқаришга бўлган ҳуқуқларни тасарруф этиш механизми;
- доменларга доир низоларни ҳал қилиш тартиби;
- товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари) ва фирма номлари эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми;
- турли индивидуаллаштириш воситаларига нисбатан устунликни белгиловчи нормалар.

Умуман, миллий қонунчилигимизда Интернет тармоғининг миллий сегменти ва Интернет хизматидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, домен номларига оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш алоҳида миллий қонунлар билан тартибга солиниши мақсадга мувофиқ бўлиб,

бу давлатимизнинг миллий ахборот хавфсизлигининг таъминланишига ҳам олиб келади.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ:

1. Рустамбеков И.Р. Ахборот - коммуникация технологиялари // *Нуқуқ ва бurch*. – Т., 2007. – Б.10–11.
2. Рустамбеков И.Р. Доменное имя как объект права // *Ўзбекистон қонунчилиги тахлили*. – Т., – 2007. – №1. – Б.70–71.
3. Рустамбеков И.Р. О некоторых подходах к правовому регулированию доменного имени // *Ўзбекистон қонунчилиги тахлили*. – Т., 2007. – №2. – Б.90–94.
4. Рустамбеков И.Р. The legal nature of domain names in the Republic of Uzbekistan // *Ўзбекистон қонунчилиги тахлили*. – Т., 2007. – №3. – Б.81–83.
5. Рустамбеков И.Р. Интернет муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари тўғрисида // *Ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги соҳаларининг ҳуқуқий масалалари: Ёш тадқиқотчилар иккинчи республика илмий-назарий конференция материаллари*. – Т.: ТДЮИ, 2008. – Б.7–13.
6. Рустамбеков И.Р. Правовое понятие доменного имени // *Ўзбекистон қонунчилиги тахлили*. – Т., 2008. – №1. – Б.76–82.
7. Рустамбеков И.Р. Халқаро ахборот муносабатлари ва уларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши ҳақида // «Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ёшлар ҳаётида ахборотлаштириш ва ахборот хавфсизлиги масалалари» мавзусидаги илмий-назарий конференция материаллари. – Т., 2008. – Б.35–40.
8. Рустамбеков И.Р. Домен номларини муҳофаза қилиш усуллари ҳақида // *Ўзбекистон қонунчилиги тахлили*. – Т., 2008. – №3–4. – Б.83–86.
9. Рустамбеков И.Р. Домен номлари тизими ва уларнинг ҳуқуқий асослари ҳақида // *Фан ва ёшлар*. – Т., 2009. – №1. – Б.54–56.
10. Рустамбеков И.Р. Некоторые проблемы в сфере международного частного правового регулирования доменных имен // *Халқаро хусусий ҳуқуқнинг долзарб муаммолари*. – Т.: ТДЮИ, 2009 йил январ. – Б.78–85.
11. Рустамбеков И.Р. Домен номи тушунчаси ва унинг Интернет тармоғидаги ўрни // *Фан ва ёшлар*. – Т., 2009. – №2. – Б.46–51.
12. Рустамбеков И.Р. Домен номининг ўзига хос хусусиятлари ва Интернет адресациянинг бошқа турларидан фарқи // *Фан ва ёшлар*. – Т., 2009. – №3. – Б.50–52.
13. Рустамбеков И.Р. Ахборотга бўлган ҳуқуқ – фуқаролик жамияти ривожланишининг шарти сифатида // *Ҳуқуқий информатика ва ахборот хавфсизлиги соҳаларини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари: илмий амалий конференция материаллари тўплами*. – Т.: ТДЮИ, 2009. – Б.181–186.
14. Рустамбеков И.Р. Ахборотлаштириш ва ахборот хавфсизлигининг халқаро ҳуқуқий асослари ҳақида // *Ҳуқуқий информатика ва ахборот хавфсизлиги соҳаларини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари: илмий амалий конференция материаллари тўплами*. – Т.: ТДЮИ, 2009. – Б.196–201.

15.Рустамбеков И.Р. Домен номлари тизими: технологиялар ва ҳуқуқий тартибга солиш // *Нуқуқ ва бurch*. – Т., 2009. –№5 – Б.60–62.

16.Рустамбеков И.Р. Тенденции международно-правового регулирования свободы информации и защиты интеллектуальной собственности в Интернете // *Обзор законодательства Узбекистана*. – Т., 2009. –№1–2. – С.54–56.

17.Рустамбеков И.Р. Ўзбекистон Республикасида домен номларига бўлган ҳуқуқларни муҳофаза қилиш масалалари ҳақида // «Давлат ва ҳуқуқнинг долзарб муаммолари ёш тадқиқотчилар нигоҳида» илмий амалий конференция материаллари тўплами. – Т., 2009. – Б.153–157.

18.Рустамбеков И.Р. Домен номларига оид муносабатларни тартибга солишда миллий рўйхатдан ўтказувчининг аҳамияти // *Ўзбекистон қонунчилиги тахлили журна*ли. – Т., 2009. –№3–4. – Б.94–97.

19.Рустамбеков И.Р. О проблемах международного частного права в сети Интернет // «Халқаро хусусий ҳуқуқнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т., 2010. – Б.181–187.

20.Рустамбеков И.Р. Домен номларига бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилишда миллий рўйхатдан ўтказувчининг ўрни // *Ҳуқуқий информатика ва ахборот хавфсизлиги соҳаларини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари* мавзусидаги тўртинчи илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТДЮИ, 2010. – Б.66–70.

21.Правовые проблемы между владельцами товарных знаков и доменных имен в США // *Обзор законодательства Узбекистана*. – Т., 2010. –№1–2. –С.50–58.

22.Рустамбеков И.Р. Домен номлари эгаларининг ҳуқуқлари ҳимояси ҳақида // *ТДЮИ Ахборотномаси*. – Т.: ТДЮИ, 2010. – №5. – Б. 77–78.

23.Домен номига даъвогарлар ва уларнинг ҳуқуқлари // *Ўзбекистон қонунчилиги тахлили журна*ли. – Т., 2010. –№3–4. – Б.69–74.

24.Ўзбекистон миллий интернет сегментида домен номларига бўлган ҳуқуқлар масалалари // *Фуқаролик ҳуқуқининг долзарб муаммолари* мавзусида академик Ҳ.Р.Раҳмонқуловнинг 85 йиллигига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – Б. 246–250.

**Юридик фанлар номзоди илмий даражасига талабгор Рустамбеков
Исломбек Рустамбековичнинг 12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи;
тадбиркорлик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; халқаро хусусий ҳуқуқ ихтисослиги
бўйича “Ўзбекистонда домен номларига оид муносабатларнинг
фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиниши” мавзусидаги диссертациясининг
РЕЗЮМЕСИ**

Таянч сўзлар: домен номлари, домен номлари тизими, домен номининг маъмури, «UZ» домени, иккинчи даража домен номи, учинчи даража домен номи, домен номини рўйхатдан ўтказиш.

Тадқиқот объектлари: домен ва домен номларини яратиш ва улардан фойдаланиш муносабати билан юзага келувчи ахборот соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ва уларни ҳуқуқий тартибга солишнинг назарий ва амалий жиҳатлари.

Ишнинг мақсади: домен номлари билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг самарали тизимини яратишга доир ҳуқуқий муаммоларнинг комплекс таҳлилини амалга ошириш ва бунинг асосида миллий қонунчиликни ривожлантиришга қаратилган аниқ амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методлари: комплекс, концептуал, қиёсий-ҳуқуқий, муаммоли-мақсадли, таркибий-тизимли, тарихий-ҳуқуқий, мантиқий ва бошқалар.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: тадқиқотнинг янгилиги авваламбор домен номлари ва улар билан боғлиқ муносабатларнинг ҳуқуқий муаммоларини ўрганиш бўлиб хисобланади. Тадқиқот натижаларига кўра «домен номи» ҳуқуқий тушунчасини шакллантириш; Ўзбекистон Республикасида «Домен номлари тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш; Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига ўзгартириш ва қўшимчаларни халқаро ижобий тажриба ва стандартларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш каби асосланган таклиф ва тавсиялар намоён бўлади.

Амалий аҳамияти: тадқиқот иши натижаларидан домен номларига оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришда, қонун ижодкорлиги жараёнида, домен номлари билан боғлиқ низоларни кўришда, ҳуқуқий информатика, ахборот технологиялари ҳуқуқи фанларини ўқитишда, кадрлар малакасини ошириш амалиётида фойдаланиши мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва самарадорлиги: тадқиқот натижалари муаллиф томонидан илмий ишларда чоп этилган. Унда билдирилган таклифлар, умумлаштирилган хулоса ва тавсиялар домен номлари ва улар билан боғлиқ муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солинишини такомиллаштиришда қўлланиши мумкин.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: домен номлари соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш. Диссертация материалларидан шу мавзуга дахлдор илмий-тадқиқот ишларини, дарсликлар ва услубий қўлланмаларни тайёрлашда ҳамда ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Рустамбекова Исламбека Рустамбековича на тему: «Гражданско-правовое регулирование отношений по доменным именам в Узбекистане» на соискание ученой степени кандидата юридических наук по специальности 12.00.03 – Гражданское право; предпринимательское право; семейное право; международное частное право

Ключевые слова: доменное имя, система доменных имен, администратор доменного имени, домен «UZ», доменное имя второго уровня, доменное имя третьего уровня, регистрация доменного имени.

Объекты исследования: теоретико-практические аспекты правового регулирования социальных отношений в информационной сфере, которые возникают при создании и использовании доменных имен.

Цель работы: дать комплексный концептуальный анализ правовых проблем правового регулирования отношений связанных с доменными именами и на основе этого внести практические предложения по совершенствованию национального законодательства.

Методы исследования: комплексный, концептуальный, сравнительно-правовой, проблемно-целевой, историко-правовой, логический и др.

Полученные результаты и их новизна: новизна исследования заключается прежде всего, в комплексном изучении правовых проблем связанных с доменными именами и отношениями возникающими по доменным именам. По результатам исследования предлагается: формирование правового понятия «доменного имени»; принять Закон «О доменных именах»; на основе положительного зарубежного опыта усовершенствовать национальное законодательство.

Практическая значимость: результаты диссертационного исследования могут быть использованы в совершенствовании нормативно-правовой базы в сфере доменных имен, в законодательном процессе; при рассмотрении споров по доменным именам; при преподавании предмета правовой информатики и информационного права, в практике повышения квалификации кадров государственных органов РУз.

Степень внедрения и эффективность: результаты работы были опубликованы автором в научных трудах. Рекомендации могут быть использованы в качестве элементов государственной правовой политики в проводимых в стране мероприятиях по реформированию и развитию правового регулирования доменных имен и отношений в данной сфере.

Область применения: совершенствование нормативно-правовой базы в сфере доменных имен. Материалы диссертации могут быть применены при создании научно-практических трудов и в учебном процессе.

RESUME

Thesis of Rustambekov Islambek Rustambekovich on the scientific degree competition of the candidate of law on specialty 12.00.03 – Civil Law; Entrepreneur Law; Family Law; International Private Law, subject: «The civil-legal regulation of the relations on the domain names in Uzbekistan»

Key words: domain name, domain name system, administrator of domain name, domain «UZ», second degree domain name, third degree domain name, registration of the domain name.

Subject of research: theoretical and practical aspects of legal regulation of social attitudes in information sphere which arise at creation and use of domain names.

Purpose of work: to give a complex and conceptual analysis of legal problems of legal regulation of attitudes connected with domain names and on the basis of it to make practical offers on perfection of the national legislation.

Methods of the research: Conceptual, problem-target, comparative, historical, logical and other methods.

The results achieved and their novelty: is in complex studying of legal problems connected with domain names and attitudes arising on domain names. Offered proposals on the result of research: formation of a legal concept of a domain name, adopting a law on domain names and develop national legislation on the bases of positive foreign experience.

Practical value: the results of dissertation research can be used in perfection of legal base in sphere of domain names, in legislative process; by consideration of disputes on domain names; at teaching a subject of legal computer science and the information law, in upgrading experts qualification and state bodies of the Republic of Uzbekistan.

Degree of embed and economic affectivity: the results of research were published in scientific journals. Recommendations can be used as elements of government policy and in events and measures aimed to reformation and development of legal regulation of domain names and attitudes in the given sphere.

Field of application: perfection of legislation base in sphere of domain names. The materials can be used in scientific-practical works preparation and academic studies.